Статистика ҳисобот ва ахборотлар миллий агентлиги
Кутубхонаси
Тадқиқотлар институти

2008 ЙИЛ, 8 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 5 (11.066) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

●Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида 6 ёш оилага замонавий квартиралар калити топширилди.

●«Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси томонидан Ёшлар йилига бағишланган хайрия тадбири ўтказилди.

●Осиё тараққиёт банки Марказий Осиё минтақавий транспорт йўлагининг бир қисми ҳисобланган асосий автомагистрали ривожлантириш учун Ўзбекистонга 75,3 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратди.

●Тошкент вилоятида Куролли Кучларимиз ташкил этилганлигининг 16 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган оммавий ватанпарварлик тадбирлари ўтказилмоқда. Жумладан, Янгийўл тиббиёт коллежида давлатимиз раҳбарининг «Миллий армиямиз—мустақиллигимизнинг, тинч ва осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолатидир» рисоласи асосида давра суҳбати ўтказилди.

●Шаҳрихон туманидаги «Холматжон» фермер хўжалиги қошида томёпқичлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

●Қарши шаҳридаги Болалар боғида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда шаҳардаги 78 та корхона, ташкилот ва муассасалар вакиллари иштирок этиб, талабгорларга 330 та бўш иш ўрнини таклиф қилишди. Ярмарка давомида 142 нафар фуқаро ўзлари хоҳлаган ишларига жойлашди.

●Нурота туманининг Сумбулоқ қишлоғида замонавий мактаб биноси қуриб битказилди. Қурилиш ишлари учун жами 150 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

● «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» ОАЖ мутахассислари ўта мустаҳкамлиги билан ажралиб турадиган темир-бетон шпални яратдилар ва янги маҳсулотлари учун патент олдилар.

● Қашқадарё вилояти телекоммуникация тармоғи тубдан янгиланмоқда. Қарши-Термиз магистраль шиша толали алоқа линиясининг ишга тушганлиги бу соҳани ривожлантиришда катта имкониятлар яратди. 140 километр узунликдаги халқаро аҳамиятга молик бу линия бевосита Ғузор, Деҳқонобод туманлари ҳудудидан ўтган бўлса, Қамаши туманигача 40 километрлик қўшимча линия тортилди.

● Рометан туманидаги 15-ўрта мактабнинг янги қўш қаватли биноси фойдаланишга топширилди. 220 ўқувчига мўлжалланган бу объектни «20-трест» МЧЖнинг Рометандаги 6-вакиллиги қурувчилари бунёд этишди.

● Самарқанд вилоятининг Булунғур тумани, Соҳибкор маҳалласида 540 ўринли маиший хизмат касб-ҳунар коллежининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Ушбу замонавий таълим маскани кенг, шинам синфхоналар, фан кабинетлари, компьютер хоналари, лаборатория, ахборот-ресурс марказини ўз ичига олган.

ЖАҲОНДА

●Кеча Грузия Марказий сайлов комиссияси 90 фоизга яқин бюллетенларни кўриб чиқиб дастлабки натижаларни эълон қилди. Унга кўра амалдаги Президент Михаил Саакашвили 52,91 фоиз овоз олиб мухолифат вакили Леван Гачечиладзедан икки баробар ўзиб кетган. Мавжуд қонунчиликка кўра, иккинчи тур Президент сайловларини ўтказишга ҳожат қолмади.

●Кечадан Гаага трибуналининг Сьерра-Леоне учун ташкил этилган судида Либериянинг собиқ президенти Чарлоз Тейлор ишини кўриб чиқиш бошланди. Инсониятга қарши жиноятлар бўйича айбланаётган Тейлорга 11 пунктдан иборат оғир айбловлар қўйилган. Мамлакат қонунчилигига кўра Чотейлор умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

●Кеча Москванинг шимолий қисмида шаҳар метросининг «Строгино» номли янги 175-станцияси бўйича қатновлар бошланди. Ушбу станциянинг ўзига хос томони шундан иборатки ундан имкониятлари чекланган кишилар учун махсус лифт ўрин олган.

●Мисрли чегарачилар Ғазо секторига яширинча қурол олиб ўтиш учун фойдаланилган 5 та ерости йўлини топишди. Кучли ёмғирлардан сўнг ернинг кўчиб тушиши натижасида бу ерости йўллари очилиб қолган.

●Жанубий Кореянинг Ичхон шаҳрида чиққан кучли ёнғин натижасида 34 киши ҳаётдан кўз юмди.

●Буюк Британияда 20 йиллик танаффусдан сўнг атом электр станцияларини қуришга яна киришилди.

●Кучли совуқлар сабабли Эрон Туркияга табиий газ узатишни тўлалигича тўхтатди.

●Шимолий Африкада ҳам қиш қаттиқ келди. Хусусан, Марокашда ёққан қорнинг қалинлиги бир метрга етди.

●Коста-Рикадаги «Ла-Амистад» миллий қўриқхонасида изланишлар олиб борган Буюк британиялик Алекс Манро бошчилигидаги олимлар гуруҳи 11 турдаги янги жонивор ва ўсимликларни топишди. Жумладан, олимлар тимсоҳларнинг янги уч, қурбақаларнинг икки, шунингдек, гулларнинг янги турларини аниқладилар.

● Ироқда кетма-кет учта террорчилик ҳаракати амалга оширилди. Асосан миналаштирилган машиналарнинг портлатилиши оқибатида ўн беш киши ҳаётдан кўз юмди, ўн киши яраланди. Жабрланганларнинг асосий қисми полициячи ва ҳарбийлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Ф А Р М О Й И Ш И

БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САНЪАТ МАКТАБЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ЯНАДА ЯХШИЛАШ БЎЙИЧА 2009-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ТАЙЁРЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтириш, ёшларимизнинг миллий ва жаҳон мусиқа маданиятининг юксак намуналаридан кенг баҳраманд бўлиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда мусиқий таълимни янада ривожлантириш, бу борада кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, соҳа педагог ва мутахассисларининг меҳнатини рағбатлантириш мақсадида:

1. Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастурини 2008 йилнинг 1 апрелигача ишлаб чиқсин ва уни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Комиссиянинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

республикадаги мавжуд барча болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва уларнинг ҳолатини танқидий баҳолаш орқали бугунги кун талабларига қай даражада жавоб беришини аниқлаш;

ушбу мактабларни янгитдан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш бўйича ҳар томонлама асосланган хулоса ва таклифлар тайёрлаш;

ёш авлоднинг мусиқий истеъдоди ва маданиятини юксалтириш мақсадида мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида аҳоли ва ўқувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда, энг камида биттадан замонавий мусиқа ва санъат мактаблари фаолият кўрсатишини кўзда тутиш;

янгитдан қуриладиган, тўлиқ реконструкция қилинадиган, капитал таъмирланадиган болалар мусиқа ва санъат мактаблари биноларининг уч хилдаги намунавий (типовой) лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва шу асосда уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бу борада ҳудудлардаги мавжуд бўш бино ва иншоотлардан самарали фойдаланиш, тегишли жиҳозлаш ишларини амалга ошириш мақсадида экспертиза хулосаларини тайёрлаш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини замонавий ўқув ва мусиқа анжомлари билан таъминлашни бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга ошириш;

умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактаблари учун мусиқа фани бўйича давлат ўқув стандартлари ва дастурларини, дарсликлар ва методик қўлланмаларни замонавий мезонлар асосида такомиллаштириш;

болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, соҳа учун ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, уларнинг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш.

3. Ушбу Давлат дастурини амалга ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар давлат бюджети, ҳомийлар, чет эл грантлари ва бошқа манбалар ҳисобидан қопланиши назарда тутилсин.

4. Мусиқа ва санъат мактабларида олиб бориладиган қурилиш, реконструкция ва таъмирлаш ишларини молиялаштириш вазифаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси зиммасига юклатилсин ва шу мақсадда мазкур Жамғарма низомига тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси умумтаълим ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини малакали мутахассислар билан таъминлаш учун 2008-2009 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари томонидан тақдим этилган таклифларга биноан, олий таълим муассасаларига мусиқа йўналишлари бўйича қабул квоталарини қайта кўриб чиқсин.

6. Мазкур фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 7 январь

ПОЙТАХТНИНГ *бир куни*

Янгиликлар, воқеалар



РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТА ХОМ АШЁСИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ АСОСИДА ЎЗИМИЗДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҚЎШМА, ХОРИЖИЙ КОРХОНАЛАРДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАР РАҚОБАТБАРДОШЛИГИ ҲАМДА ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИ ДАРАЖАСИГА МОСЛИГИ БОИС ҲАМ ЧЕТГА ЭКСПОРТ ҚИЛИНМОҚДА.

Хориж инвестициялари — иқтисодиётга

МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН — ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТЛАР

Энг асосийси эса юксак унумли тўқув, тикув ва бошқа керакли дастгоҳлар ҳамда, ускуналар бу борада ишчи-хизматчиларга мададкор, сифатли маҳсулотлар тайёрлашда ҳақиқий дастёр бўлмоқда. Уларнинг автоматлаштирилган тарзда бошқарилиши эса вақтдан тежашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизда 2003 йилда хорижий сармояларни жалб этиш ҳисобига иш бошлаган «ALKIM TEKSTIL» хорижий корхонаси ана шундай жамоалар сирасига кириб, айни пайтда тадбиркорлик билан иш юритиш асосида маҳаллий хом ашёдан тайёрланаётган трикотаж мато ва кийим-кечаклар Болгария, Германия, Португалия, Россия, Туркия ва бошқа кўплаб чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Бу, албатта ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг жаҳон андозалари талабларига тўла жавоб бериши натижасидир.

— Корхонамиз 2004 йилдан бошлаб ўз маҳсулотларини харидорларга тортиқ этмоқда, — дейди бош директор Вадет Заим. — Замонавий линиялар келтириб ўрнатилган бўяш, оқартириш, қуритиш, тикув ва тўқув цехларимизда тайёрланаётган экспортбоп мато ва кийим-кечаклар сифати билан алоҳида ажралиб туради. Бу, албатта хорижий давлатлардан катта буюртмалар қабул қилишда ҳамда уларга етказиб беришда аҳамиятлидир. Айниқса, дизайнер-модельерларимизнинг кичик ёшдаги болажонларга мўлжаллаб тайёрлаётган турли хил либослари харидорларни мамнун этмоқда.



Жамоада меҳнат қилаётганлар учун етарли шароитлар мавжуд бўлиб, улар учун махсус транспорт воситалари хизмат кўрсатади, иссиқ овқат ташкил этилган, дам олишлари учун ҳам имкониятлар яратилган. Буларнинг барчаси корхона муваффақиятларини таъминлашда муҳим ҳисса бўлмоқда.

Корхонада фаолият кўрсатаётган фирма дўконига ташриф буюрган харидор истаган кийим-кечагини сотиб олиши ва буюртмалар бериши ҳам мумкин. Шунингдек, изланишлар асосида маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб илғор технологияларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқарилаётган гулли газламалар Туркия, Болгария ва МДҲ давлатларида ўз харидорларига эга. Келгусида эса яна хорижий сармояларни киритиш асосида янги линиялар келтириш, бозорбоп маҳсулот турларини яратиш ва харидорларга тақдим этиш кўзда тутилган. Бунда, албатта, кўплаб ишчи ўринлари ҳам очилади ва маҳаллий ёшлар иш билан таъминланади. Бу борада тадбиркорларга мамлакатимизда хорижий инвесторларга яратилган шарт-шароитлар, ҳуқуқий ҳимоя қўл келмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА

СУРАТЛАРДА: Муҳайё Жалолова сифатли маҳсулот тайёрлашда ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда; қуритиш цехида.

Козим Ўлмасов олган суратлар

ДУНЁ ОАВ:

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ ДЕМОКРАТИЯНИНГ БАРЧА МЕЪЁРЛАРИГА ТЎЛА МУВОФИҚ РАВИШДА ЎТДИ

Жаҳоннинг етакчи халқаро ахборот агентликлари, матбуот нашрлари ва телерадиокомпаниялари мамлакатимизда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловлари натижаларини кенг шарҳлашда давом этмоқда.

Хорижий мамлакатларнинг ОАВ Ўзбекистондаги Президент сайловларини бир овоздан мамлакатнинг узоқ истиқболдаги олга тараққиётини белгилаб берадиган ўзбек жамиятидаги муҳим сиёсий воқеа, деб баҳолашмоқда. Улар Президент сайловлари натижаларини шарҳлар экан, сайловнинг очиқ ва ошкора тарзда ўтгани, шунингдек, сайлов кампанияси яхши ташкил этилганини таъкидлашаётир. Булардан ташқари, чет эл оммавий ахборот воситаларида сайловлар юзасидан хорижий кузатувчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳаза ва баҳолар ҳам кенг ёритилмоқда.

Малайзиянинг «Бернама» миллий ахборот агентлиги Ўзбекистондаги Президент сайловлари демократия ва ошкоралик асосида ўтганига баҳо берган малайзиялик кузатувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини тарқатди.

Малайзия сайлов комиссияси раҳбарининг ўринбосари Ван Аҳмад Ван Умар таъкидлаганидек, сайлов жараёнлари боришини холис кузатиб боришлари учун халқаро кузатувчиларга сайлов участкаларини тўласинча эркин танлаш имконияти берилди.

«Кузатувчиларга юқори малакали таржимонлар бириктирилдики, бу сайловчилар билан бевосита мулоқот қилиш ва батафсил маълумот олишнинг имконини берди. Сайловлар Ўзбекистондаги барча сайлов участкаларида сайловлар куни ўрнатилган овоз бериш қутиси каби шаффоф тарзда, қонунга қатъий риоя этилган ҳолда ўтди. Ҳозир биз айнан шундай овоз бериш қутиларидан Малайзияда ўтажак 12-умумий сайловлар вақтида илк маротаба фойдаланишни режалаштираяпмиз», дейди Ван Аҳмад Ван Умар.

Малайзиялик яна бир кузатувчи С.Рао Радхакришнан билдирган фикрларга қараганда, «сайлов куни ташкилотчилар томонидан кекса кишиларга кўрсатилган ҳурмат ва эътибор, улар учун яратилган махсус қулай шарт-шароитлар, жумладан, сайлов участкасидан овоз қутиси билан тезкор гуруҳнинг жўнатилгани менда чуқур тассурот қолдирган. Бу ҳар томонлама таҳсинга лойиқдир. Биз Малайзияда сайлов чоғида ана шундай тажрибани қўллашимиз зарурлигига ишонаман».

С.Рао Радхакришнаннинг алоҳида таъкидлашича, умумжаҳон сайлов тажрибаси меъёрларига тўла жавоб берувчи мазкур сайлов барча шарт-шароитлар яратилгани ҳолда фуқароларнинг эркин ҳоҳиш-иродасини тўлиқ намоён этиш имконини берди.

«Ўзбекистондаги сайловлар жуда малакали, очиқ ва демократик тарзда ўтказилди», деди малайзиялик кузатувчи.

Ўзбекистондаги президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **мисрлик таниқли журналист Муҳаммад Салома** нуфузли «Шаъб Миср» («Миср Халқи») газетаси саҳифаларида «Миср Халқи» газетаси Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиб борди» сарлавҳаси остидаги мақолани чоп этди.

(Давоми 2-бетда).

Қисқа сатрларда

●**БУГУН** Ҳамза туманидаги «Зиё нур» қаҳвахонасида кам таъминланган оилалар фарзандлари иштирокида ўтказилган «Янги йил саргузаштлари» тадбири туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

●**РЕСПУБЛИКА** Байналмилал маданият марказида Турк миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилган тадбир Ёшлар йилига бағишланди.

●**РЕСПУБЛИКА** «Оила» илмий-амалий маркази ташаббуси билан ташкил этилган «Ёш оналар» мактаби тингловчиларининг навбатдаги машғулоти ўтказилди.

●**ЎЗБЕКИСТОН** темир йўллари Давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан ўтган йилда бажарилган ишлар сарҳисоби ҳамда жорий йилда амалга ошириладиган вазифалар муҳокамасига бағишланган тадбир уюштирилди.

●**ИЖТИМОИЙ** ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ташаббуси билан уюштирилган тадбирда ўтган йил якунлари ҳамда жорий йил режалари муҳокама қилинди.

●**«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Сирдарё вилоят бўлими Кенгаши фаоллари, Гулистон Давлат университети талабаларининг бир гуруҳи Тошкент шаҳрига келишди ҳамда ёшлар иштирокида ўтказилган «Камолот —келажак таянчи» тадбирида иштирок этишди.

●**ЎЗБЕК** — Япон марказида имконияти чекланган болалар учун ташкил этилган компьютер саводхонлиги бўйича навбатдаги машғулот бўлиб ўтди.

●**РЕСПУБЛИКА** Геология ва минералогия ресурслари Давлат қўмитасида уюштирилган тадбирда ўтган йил якунлари ва жорий йил режалари муҳокама қилинди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИ БИРЛАШМАСИ КЕНГАШИНИНГ САҲИФАСИ

ХАЙРЛИ АНЪАНА ДАВОМ ЭТАДИ

ЁШЛАРНИНГ КАМОЛОТ ПИЛЛАПОЯЛАРИГА КЎТАРИЛИШИДА ШАК-ШУБҲАСИЗ БАҒРИКЕНГ, ДОНО УСТОЗ-МУРАББИЙНИНГ ТУТГАН ЎРНИ ВА РОЛИ БЕҚИЁС БЎЛИБ, УСТОЗ-ШОГИРДЛИК КЎҲНА АНЪАНАСИ МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА ЎҚУВ ЖАМОАЛАРИДА ДАВОМ ЭТИБ КЕЛМОҚДА.

Жумладан, Тошкент педиатрия тиббиёт институтида Маънавият ва маърифат соҳасида олиб борилаётган ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш, айниқса талабаларнинг маънавиятини юксалтириш ва интизомини мустаҳкамлаш мақсадида устоз-мураббийлар Кенгаши ташкил этилиб, ҳар йили тасдиқланган режа асосида фаолият кўрсатмоқда.

Ижарада турувчи талабалар яшаётган хонадонларга ташриф буюриб, уларнинг ҳолидан хабар олиш, яшаш шароитлари билан яқиндан танишиш, Талабалар шаҳарчасига бориб, талабалар хоналарини кўрикдан ўтказиш, "Ватанни севмоқ иймондандир", "Ўз уйингни ўзинг асра", "Талабалар шаҳарчаси ва уйи — менинг уйим" мавзусида суҳбатлар ўтказиш, талабаларнинг моддий аҳволини ўрганиб, институт маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда имкон қадар моддий ёрдам бериш, талабалар орасида тиббий олий таълим, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислоҳотлар ҳақида, талабаларнинг вазифалари, ҳақ-ҳуқуқлари тўғрисида суҳбатлар, мунозаралар ўтказиш, "Қатағон қурбонлари хотираси" музейига ташриф буюриш, диний эътиқод, бағрикенглик, ислом дини ва ёшлар тарбияси масалаларига бағишланган суҳбатлар ва тадбирлар ўтказиш, тамаки чекиш, ичкиликбозликнинг зарари ва "Гиёҳвандлик — умр заволи", "Наркотик моддаларнинг инсон организмига таъсири", "Қора дорининг инсон организмига таъсири", "Қора дорининг қора ишлари" мавзусида давра суҳбатларини ўтказиш шулар жумласидандир. Бу каби тадбирлар институт маъмурияти томонидан мунтазам равишда ташкил этиб келинмоқда.

Мустақил ҳаётга қадам қўйган ҳар бир киши ўз устозларини чуқур миннатдорчилик туйғуси ила ёдга олиши табиий. Режага биноан ҳар бир курсда ва кафедраларда "Ёрқин хотира эгалари" мавзусида тадбирлар ўтказилиб, самарали хизмат қилган устоз-мураббийлар ҳаёти ва фаолияти хусусида маърузалар уюштирилмоқда. Шунингдек, институтда сидқидилдан меҳнат қилган атоқли олимлар, табаррук устозлар номи билан аталган А. Оқилов, А. Николаев, С. Долимов, К. Тагиров, С. Шамсиев, Х. Зоҳидов, Ф. Назармуҳамедов стипендияларига лаёқатли бўлган иқтидорли талабалар аниқланиб, рағбатлантирилмоқда.

Институтда талабалар билан тарбиявий ишлар ўқиш жараёни билан биргаликда ёзги таътил давомида ҳам олиб борилмоқда. Тошкент вилоятининг Ғазалкент шаҳри яқинидаги сўлим табиат гўшасида жойлашган Қорамозор қишлоғи ҳудудида "Педиатр" талабалар дам олиш оромгоҳи жойлашган. Жўшқин Оқсоқ ота сойи ёқасидаги боғаво, катта ёнғоқзор ичидаги коттежларда талабаларга дам олиш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Талабаларнинг вақтларини мазмунли ўтказишлари учун Ғазалкент телеминораси, Ниятлар дарахти тепалиги, Билдирсой ёқалаб, ўрмонзор тепалиги, мўъжизалар майдони, Оқсоқ ота сойи ёқалаб, Булоқлар водийси каби йўналишларда саёҳатлар уюштирилади. Спорт билан шуғулланиш, оммавий турдаги спорт мусобақалари ўтказиш учун ҳам тегишли шароитлар мавжуд. Талабалар оромгоҳда 40 кун мобайнида мароқли ҳордиқ чиқариб, яхши таассуротлар билан қайтадилар. Ўқув жараёнида талабаларга берилаётган таълим-тарбия ишларининг мантиқий давоми бўлган ёзги дам олиш ёшларни ақлан етук, жисмонан бақувват, руҳан тетик бўлиб камол топишларига хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, ёшлар – бизнинг келажагимиз бўлиб, уларнинг ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб воя га етиши йўлида устоз-мураббийлар меҳнатларини ҳам, меҳрларини ҳам аямайдилар.

Абдушукур МАННАНОВ,
Тошкент Педиатрия тиббиёт институти касаба уюшма қўмитасининг раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

НУРОНИЙЛАР ҚУТЛАНДИ

ХАЛҚИМИЗДА КЕКСАЛАРДАН ҲОЛ-АҲВОЛ СЎРАШ, УЛАРНИНГ ПОК НИЯТЛИ ДУОЛАРИГА САЗОВОР БЎЛИШ, ПУРҲИКМАТ СЎЗЛАРИДАН БАҲРАМАНД БЎЛИШДЕК ЭЗГУ ХАЙРЛИ ОДАТ ДАВОМ ЭТАЁТГАНЛИГИ ҚУВОНАРЛИДИР.

Шу қутлуғ кунларда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси томонидан анъанавий хайрли тадбир амалга оширилиб, Янги йил байрами муносабати билан республика уруш ва меҳнат фахрийлари пансионати нуронийлари ҳамда уларга хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари жами 200 нафар киши совғасаломлар билан қутланди. Мўътабар отахонлар, мунис онахонлар кўрсатилган эътибордан мамнун бўлиб, миннатдорчиликларини билдирдилар. "Мен меҳнат фахрийсиман, — дея сўз бошлади Тамара Кариева. Бизларни кўргани келганингиз, эҳтиромингиз учун барчага раҳмат. Мен ўзбек халқини, Ўзбекистонимизни жуда ҳам севаман. Юртимизда тинчлик, омонлик бўлиб, барчага бахт-саодат тилайман. Оллоҳга беҳад шукрлар бўлсин дейман". "Мен 86 ёшдаман, — дейди Боғдагул она Шарипова. — 1 гуруҳ уруш ногиронман. Ҳаётда кўп нарсани кўрдим. Юртимизда тинчлик, осойишталик ҳукм суриб, Оллоҳ ҳар бир хонадонга бахт-саодат, меҳр-оқибатни, фаровонликни ато этсин, кексалар иззатда, ёшлар меҳнатда бўлиб, юртимиз янада обод бўлсин, хайрли ишлар қилаётган инсонларнинг мартабаси улуғ, ризқ-насибаси зиёда бўлсин», дея дуо қилди табаррук ёшдаги онахон. "Дуоларда бордир барокат"деганларидек кексаларнинг дил сўзларидан кишининг кўнгли равшан бўлиб, яна хайрли ишларга ундайди.

Усмон ФАТТОҲОВ

МЕҲР-МУРУВВАТ КЎРСАТИЛДИ

МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ, МОДДИЙ ЖИҲАТДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БОРАСИДА ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ ТАСАРРУФИДАГИ МЕҲНАТ ВА ЎҚУВ ЖАМОАЛАРИДА МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.

Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 15 йиллигига бағишлаб, тармоқ касаба уюшмалари шаҳар ташкилотлари тасарруфидаги меҳнат ва ўқув жамоаларида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали маъмурият ва касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 23 минг 752 нафар ходимга беш юз миллион 297 минг сўм миқдорида турли шаклда моддий ёрдам кўрсатилди.

Бундан ташқари корхона, ташкилотлар маъмурияти ҳисобидан кам таъминланган, кўп болали оилалар, ёлғиз кексалар, ногиронларга баҳоли қудрат моддий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, Ўзбекистон Миллий университети оталиғидаги 102, 106-мактаб-интернатларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15 йиллиги муносабати билан байрам тадбирлари ташкил этилиб, тарбияланувчилар байрам дастурхонининг азиз меҳмонлари бўлдилар ҳамда мазкур олий ўқув юрти маъмурияти ҳисобидан тўртта компьютер тақдим этилди. Шунингдек, университет маданият саройида "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш, демократик, ҳуқуқий давлат қурилишининг асоси" мавзусида илмий-назарий конференция ўтказилди.

Тошкент Давлат техника университети томонидан 100-сонли махсус мактаб-интернатга иккита телевизор, 12 та компьютер совға қилиниб, компьютер синфи ташкил этилди ва ўқувчилар ушбу ўқув юрти талабалар клуби томонидан уюштирилган маданий дастурдан хушнуд бўлиб, байрам дастурхонининг азиз меҳмони бўлдилар. "Подъёмник" очиқ акциядорлик жамиятида 230 нафар ишчиларга ва "Ўзбеккабель" қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамиятида ишчилар, меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга маъмурият ҳисобидан моддий ёрдам берилди.

"Ўзэлектроаппарат-электрошит" қўшма корхонаси очиқ акциядорлик жамиятида байрам муносабати билан ишчи-хизматчилар ўртасида касаба уюшма қўмитаси томонидан бир ой мобайнида шахмат ва шашка турнири ўтказилиб, ғолиблар моддий жиҳатдан тақдирланди.

Ўзбекистон Фанлар академияси илмий-текшириш муассасалари маъмурияти томонидан 1253 кам таъминланган, кўп болали, боқувчисини йўқотган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга имконият даражасида моддий ёрдам берилди.

Тошкент Тиббиёт академиясида улуғ айём муносабати билан "Ижтимоий ҳимоя йили» тадбирлари доирасида 100 нафар ходимга, 30 нафар талабага баҳоли қудрат ёрдам кўрсатилди.

Байрам муносабати билан муҳтож кишиларга имкон қадар моддий ёрдам бериш орқали уларни муборакбод этиш, ҳол-аҳвол сўраш, эзгу тилаклар айтиб яхши кайфият бағишлаш халқимизга хос хислат бўлиб, бу хайрли анъананинг давом этиб келаётганлиги қувонарлидир.

Улуғбек ПЎЛАТОВ

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТ САРИ

МЕҲНАТКАШЛАР ҲАМДА УЛАРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИНИ СОҒЛОМЛАШТИРИШ, СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИНИ ОШИРИШ, ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МУҲИМ ЎРИН ЭГАЛЛАЙДИ. БУ БОРАДА ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ ТОМОНИДАН МУАЙЯН ИШЛАР ҚИЛИНМОҚДА.

Яқинда қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрида ўтказилган касаба уюшмаларининг Республика "Саломатлик" спартакиадасида Тошкент шаҳри жамоаси муваффақиятли қатнашиб умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Спартакиада дастурига кўра спортнинг олтита тури бўйича қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Савдо, матлубот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг "Тадбиркор" мини-футбол жамоаси нималарга қодирлигини намойиш этиб, спартакиада ғолиби бўлиб, Тошкент шаҳри жамоасининг спорт шарафини муносиб ҳимоя қилди.

Стол тенниси бўйича мусобақаларда "Ўзметмашсаноат" ходимлари касаба уюшма қўмиталари раислари Тошкент шаҳар кенгашининг вакиллари О.Сухарков, О.Филатова эса умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни, О.Сухарков шахсий ҳисобда биринчи, О.Филатова эса учинчи ўринни эгалладилар. Стритбол бўйича беллашувларда енгил ва мебель саноати ҳамда коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши вакиллари С.Норматова, Д.Одилова, Н.Чопенко, Л.Ермолова фахрли учинчи ўринга сазовор бўлдилар.

Оилавий беллашувларда эса агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгашининг вакиллари Худойбергановлар оиласи учинчи ўринни қўлга киритди.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари умумжамоасининг 20 нафаридан 17 нафари ғолиб ва совриндорлар бўлиб, дипломлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Спортнинг меҳнаткашлар ва айниқса, ёшлар ўртасида янада оммавийлашиб бораётганлиги, турмуш тарзига айланаётганлиги ҳамда мусобақалар мобайнида спортчилар маҳоратининг ўсиб бораётганлиги эришилаётган муҳим натижадир.

Саидмаҳмуд ЯҲЪЁЕВ,
Тошкент шаҳар касаба уюшмалари Жисмоний тарбия ва спорт жамияти кенгаши раиси

ДУНЁ ОАВ:

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВЛАРИ ДЕМОКРАТИЯНИНГ БАРЧА МЕЪЁРЛАРИГА ТЎЛА МУВОФИҚ РАВИШДА ЎТДИ

(Давоми. Боши 1- бетда).

Муаллиф Ўзбекистонда ўтган президентлик сайловида иштирок этган 300 нафарга яқин халқаро кузатувчилардан 6 нафари Миср Араб Республикаси вакиллари бўлганини таъкидлайди. «Қишнинг совуқ кунлари бўлишига қарамай, эрта тонгданоқ овоз бериш мақсадида сайлов участкаларига келган сайловчиларнинг фаоллиги кўриниб турди, деб ёзади у. Шу ўринда муаллиф сайлов барча халқаро демократик сайлов меъёрларига амал қилинган ҳолда ўтгани ҳамда сайлов жараёнида у ёки бу сиёсий кучлар томонидан бирон-бир тазйиқ кузатилмагани тўғрисида ҳам фикр юритади.

Мисрнинг оммабоп «Абулхаул ад-Давлия» газетасида эса Калюбия вилояти Савдо палатаси раҳбарининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистонда ўтган президентлик сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган **Ҳамдий Абдулайнейн**нинг «Халқаро шарҳловчининг Ўзбекистондаги президент сайлови тўғрисидаги фикрлари» номли мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифининг ёзишича, сайлов тенглик, очиқ, шаффофлик ва демократия тамойиллари асосида ўтган. Сайловда қатнашган халқаро кузатувчиларнинг деярли барчаси бу фикрга қўшилмоқда.

«Мен сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин руёбга чиқараётганига гувоҳ бўлдим. Марказий сайлов комиссияси президентликка номзодларнинг ҳар бири учун тенг шарт-шароитларни яратиб берди. Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан кузатувчиларнинг иштирок этгани сайловнинг халқаро ва миллий қонунчилик талабларига мувофиқ тарзда ўтганидан далолат беради.

Саудия Арабистонидаги муқаддас қадамжоларда ҳаж зиёратини амалга ошираётган беш минг нафар Ўзбекистон фуқароси учун доимий турар-жойлари бўйича олдиндан овоз беришга шароит яратилгани ҳам инсон ҳуқуқлари таъминланаётганининг амалий тасдиғидир. Шунингдек, мамлакатнинг чет эллардаги дипломатия ваколатхоналарида сайлов участкалари ташкил этилди. Шу тариқа хориж сафарида бўлган республика фуқароларига ўз сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш имконияти яратиб берилади. Булар, шак-шубҳасиз, эътиборга сазовор жиҳатлардир».

Бўлиб ўтган сайлов мавзуси, унинг якунлари Туркия оммавий ахборот воситаларининг ҳам диққат марказида бўлмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатда чоп этиладиган «TIGARET» газетасида Ўзбекистондаги президент сайлови жараёнларини кузатиб борган **Ғозий Давлат университети халқаро муносабатлар факультети ўқитувчилари кенгашининг аъзоси, доктор Мехмет Эрол**нинг шу ҳақдаги мақоласи босилиб чиқди.

Ислом Каримовнинг сайловлардаги мутлақ ғалабаси ҳақида тўхталар экан, туркиялик эксперт «шу тариқа Ўзбекистон халқи хавфсизлик, барқарорлик ва мамлакатнинг буюк келажаги учун овоз берди», дея ўз фикрига хулоса ясайди. Шу муносабат билан у «Ўзбекистон Марказий Осиёдаги муҳим мамлакатдир, бу минтақадаги барқарорлик кўп жиҳатдан Ислом Каримов амалга оширадиган муваффақиятли сиёсатга боғлиқ» эканини таъкидлайди.

Хитойнинг «Жэньминь Жибао» газетасида мазкур сайловларда иштирок этган кўплаб халқаро кузатувчиларнинг фикр ва мулоҳазалари чоп этилган. Жумладан, Франциядаги Париж университети профессори Жан Баррат, Корея Республикаси Миллий ассамблеяси депутати Ким Юн Сик, Индонезия парламенти депутати Мустафо Камол, Америкадаги Жон Хопкинс университети Марказий Осиё ва Кавказ институтининг тадқиқотчиси Офтоб Қози, Вашингтон пресс-клубининг вице-президенти Питер Хикмэн, Ҳиндистондаги Жавоҳарлал Неру номли университетнинг Халқаро тадқиқотлар мактаби эксперти Санжай Кумар Пандей, Европа Иттифоқи халқаро тадқиқотлар институтининг директори Ирнерио Семинаторе ва бошқалар ушбу сайлов якунлари бўйича ўзларининг холис баҳоларини билдиришган.

Тошкент, Наманган ва Андижон вилоятларидаги сайлов участкаларида кузатувчи сифатида иштирок этган **«Осиё цивилизациялар жамияти» (Покистон) президенти Зулфиқор Али Қурайши** билдирган фикрларга қараганда, у сайлов жараёнида қонунларга қатъий риоя этилганининг гувоҳи бўлган. У таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг сайлов тизими халқаро андозаларга мувофиқдир, Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва фаровонликка ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан олдинга дадил қадамларни ташламоқда. Ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг натижалари халқ фаровонлиги даражасининг янада ошишида, фуқароларнинг эркин хоҳиш-иродасида ўз ифодасини топмоқда.

«Atlas alternatif» интернет-нашрининг ижодий ходими, франциялик таниқли журналист Фредерик Делоркнинг ёзишича, «Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайлов натижалари республика халқининг мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, давлат суверенитетини мустаҳкамлаш ҳамда республика раҳбарияти томонидан мустақиллик йиллари давомида ўтказиб келинаётган аниқ мақсадга йўналтирилган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш учун овоз берганини намойиш этди».

«Барқарор иқтисодий ўсиш, энергетика ва озиқ-овқатнинг етарлилиги, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли соҳаларини босқичма-босқич либераллаштириш суверен демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш юзасидан мамлакат ўзи танлаган йўлнинг тўғри эканлигидан далолат беради. Шунинг учун мен Президент Ислом Каримов аҳолининг жуда кўпчилиги ишончини яна қозонганига ажабланганим йўқ, чунки аҳоли ислоҳотларнинг ижобий натижаларини аниқ-равшан кўриб турибди ва улар эртанги кунга ишонч билан қарашмоқда», деб ёзади Ф.Делорка.

Италияда нашр этиладиган нуфузли «Форум» ҳафталик журналининг бош муҳаррири Габриэл Ратини қайд этганидек, «Ўзбекистон ҳукумати, айниқса, тўқимачилик тармоғи ҳамда автомобилсозлик соҳасига кенг кўламли сармояларни жалб этгани ҳолда замонавий инфратузилмани яратиш учун катта маблағларни сарфламоқдаки, бу ҳам мамлакатнинг ўзига тўқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади». Италиялик эксперт Ўзбекистоннинг мустақил ривожланиш йиллари давомида қўлга киритган салмоқли муваффақиятлари ҳақида тўхталар экан, ўзбек жамияти ҳаётининг ижтимоий, иқтисодий ва бошқа соҳалари ислоҳотида Президент Ислом Каримовнинг ҳиссаси бебаҳо эканини таъкидлайди.

Ўз фикрларини якунлар экан, Г.Ратини Ўзбекистон Президенти сайловларида халқаро кузатувчи сифатида қатнашган италиялик таниқли ҳуқуқшунос Витторио Жоржнинг қуйидаги сўзларини келтиради: «сайлов жараёнига четдан бирон-бир аралашувлар кузатилмагани ҳолда сайловлар барча халқаро демократик меъёрларга тўла мувофиқ равишда кечди».

Россияда чоп этиладиган «Трибуна» ҳафтаномаси саҳифасида мазкур нашр махсус иловаси — «ТЭК России»нинг катта муҳаррири Рустем Тэл ўзининг мамлакатимиздаги Президент сайловлари натижаларига бағишланган мақоласи билан чиқди. Мақола муаллифининг ёзишича, у россиялик халқаро кузатувчилар сифатида сайловларда қатнашиб, республика пойтахтидаги қатор сайлов участкаларига боргани чоғида сайловчиларнинг жуда фаол бўлгани ҳамда уларнинг шаффоф ва демократия тамойиллари асосида ўтганига шахсан гувоҳ бўлди. Шу ўринда муаллиф Тошкент шаҳридаги 44-сайлов участкасида овоз қутиларининг очилиши, овозларни санаш ҳамда сайлов комиссиясининг протокол тузиши жараёнларини муфассал қаламга оладики, мазкур сайлов участкасидаги сайловчиларнинг мутлақ кўпчилиги амалдаги Президент Ислом Каримов намзодини ёқлаб овоз беришди».

Мақолада, шунингдек, россиялик кузатувчи, И. М. Губкин номли Москва давлат нефть ва газ университетининг ректори Алберт Владимировнинг сайлов участкаларидан бирида овозларни санаш жараёни ниҳоясига етганидан сўнг баён этган қуйидаги фикр-мулоҳазалари ҳам келтирилади: «Дарҳақиқат, мутлақ кўпчилик сайловчилар Ислом Каримовни ёқлаб овоз беришганига амин бўлдим. Демократия меъёрларига ва халқаро андозаларга мувофиқлик сайловчиларнинг барча ҳақ-ҳуқуқларини таъминлади».

«Жаҳон» АА

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

САМАРАЛИ ИЗЛАНИШЛАР — МУВАФФАҚИЯТ ГАРОВИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ТАШАББУСИ БИЛАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ ВА 2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИНИНГ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИЛИШИ БИЛАН МАКТАБЛАР, КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ, АКАДЕМИК ЛИЦЕЙЛАР ВА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК НЕГИЗИ ЯХШИЛАНМОҚДА, ЯНГИДАН ЯНГИ ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ БУНЁД ЭТИЛМОҚДА. ЮРТИМИЗДА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР МАКТАБЛАРДА, ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ЗАМОН ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИШГА КЕНГ ЙЎЛ ОЧМОҚДА.

Таълим соҳасидаги янгиланишлар шаҳримиздаги намунали ўқув масканларидан бири бўлган, ҳозирда ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган Республика мактаб-мажмуаси мақомини олган касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълими Республика ихтисослаштирилган лицейини ҳам четлаб ўтмади.

Бу авваламбор болалар билан касбга йўналтириш борасида амалга оширилаётган ишлар усулининг ўзгаришида ўз аксини топди. Эндиликда махсус мактаб-мажмуада таълим олаётган болалар шаҳримиздаги касб-ҳунар коллежларидаги ихтисосликлар билан мунтазам таништириб борилмоқда. Агарда илгари ўқувчилар 24 та ихтисослик бўйича касб-ҳунар таълими асосларидан сабоқ олишган бўлса, ҳозирда ихтисосликлар сони 69 тага етди. Ўқув жараёнида қуйидаги бешта асосий яъни ижтимоий-иқтисодий, технологик, кимё ва биология, физика-математика ҳамда бадиий-эстетик йўналишлар ҳам кўзга ташланиб қолди. 2007-2008 ўқув йилида мактабнинг 1, 5, 6, 7, 8-синфларига 270 ўқувчи қабул қилинган бўлиб, уларнинг барчаси танловдан ўтди.

— Танлов бизда ўқиш ниятини билдирган болалар орасидан энг иқтидорли ва истиқболлиларини танлаб олиш мақсадида ташкил этилади, — дейди ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари Шоира Назарова. — Барча хоҳловчиларни эса жойларимиз чегаралланганлиги сабабли қабул қила олмаймиз, бироқ ўқув муассасамизнинг ёшлар ўртасида ўзига хос ўрни борлигидан кўнглимиз кўтарилади. Албатта, нимаики ютуқларга эришаётган бўлсак, бунда илғор педагогик технологияларни татбиқ этаётган ўқитувчиларнинг улкан ҳиссалари бор. Бибихон Ергашева, Светлана Бурлакова, Галина Сивова, Муртазо Жабборов, Людмила Коломенская каби заҳматкаш устоз ва мураббийлар шулар жумласидандир. Ольга Казанкова, Вероника Швец, Наталья Сергеева, Қосим Нуриддинов, Светлана Никитина, Татьяна Элчибекова, Ирина Кудашевалар эса турли хил ўқувчиларнинг қўлланмалари ва дастурларнинг муаллифлари ҳисобланишади. Уларнинг ижодий руҳда дарс ўтишлари ўқув-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ўқувчиларнинг билимларни яхшироқ сингдиришларида муҳим омил бўлмоқда.

Ўқув муассасасининг мустаҳкам моддий-техник негизининг ҳам бу борада ўзига хос ўрни бор. Яъни, машғулотлар иккита корпусда ўтказилиб, биринчисида умумтаълим фанлари бўйича дарслар ташкил этилса, автомобилларни таъмирлаш, фрезерлик, токарлик, чилангарлик устахоналари, тикувчилик ва қандолат цехларида ихтисосликлар бўйича сабоқ берилади.

Ўқув хоналарини замонавий техника воситалари билан жиҳозлашга Республика мактаб-мажмуасининг директори Борис Бляхер катта эътибор қаратмоқда. Чунончи, яқинда дастурлаш синфи Европада йиғилган ўнта сўнгги русумдаги

«Pentium:IV» компьютерлари билан таъминланди. Бу синфда ўқувчиларга энг замонавий технологиялар бўйича дарс ўтилмоқда. Ҳар иккала корпус таъмирланиб, синфлар янги мебеллар билан жиҳозланди. Автомактаб ҳам истиқболли йўналишда фаолият бошлади. Эндиликда «В» ва «С» тоифадаги автотранспорт ҳайдовчилари курсларида ўқувчиларни тайёрлаш коллежлар ва лицейлар билан тузилган шартномалар асосида амалга оширилади.

Бу ерда ҳаётга татбиқ этилаётган яна бир янгилик шундан иборатки, Мирзо Улуғбек туманидаги 367-мактабгача таълим муассасаси негизида Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган Республика мактаб-мажмуаси психологлари ва педагоглари тажриба тариқасида мактабга чиқишга тайёргарлик кўраётган болалар ўртасида касб-ҳунарга йўналтириш ишларини олиб бормоқдалар. Келажакда эса мактаб-мажмуа Ўрта махсус ўқув муассасалари маркази билан ҳамкорликда ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичи бўлмиш педагогик йўналишдаги касблар — меҳнат таълими ўқитувчилари, руҳшунослар, касб-ҳунарга йўналтирувчилар, мактабгача таълим соҳаси тарбиячилари этиб тайёрлаш бўйича тажриба гуруҳларини очишни режалаштирмоқда.

Ўқув муассасасида таълим-тарбия ва амалиёт ўтказиш учун барча тегишли шарт-шароитлар яратилганлиги учун ҳам бу ерда руҳшунослар ва касб-ҳунарга йўналтирувчилар учун тез-тез Республика ва шаҳар миқёсидаги анжуманлар ўтказилиб туради.

— Доимий изланиш, ўз устида ишлаб, касб маҳоратини ошириб боришга асосланган бундай жамоада ишлаш жуда қизиқарлидир, — дейди мактаб-мажмуанинг иқтисодиёт ўқитувчиси, иқтисод фанлари номзоди Саодат Султонбекова. — Энг муҳими, биз ўқитувчилар педагогика амалиётида пайдо бўлаётган барча янгиликлар билан болаларни таништириб борамиз ва ўз навбатида ўзимиз ҳам бу борада билим-кўникмаларимизни оширишга ҳаракат қиламиз. Ўйлайманки, Ёшлар йилида ўқувчиларимизга таълим бериш ва касб-ҳунарга йўналтириш ишларини янада юқорироқ даражага олиб чиқиш йўлида педагогик жамоамиз бор куч-маҳоратини ишга солади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган Республика мактаб-мажмуаси ҳаётидан лавҳалар

СИРЛИ ОЛАМ

Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди

● Японияннинг Mitsubishi Electria корпорацияси лифтсозлик қурилиши соҳасида янги технологияларни синовдан ўтказувчи ва тез ҳаракатланадиган лифтларнинг янги «авлод»ини имтиҳон қилувчи 173 метр баландликда минора қурди. Солэй минораси деб ном олган мазкур иншоот Иназов шаҳридаги диққатга сазовор янги жойлардан бири бўлиб қолди, деб хабар қилади Би-би-си. Лойиҳа қиймати 50 миллион доллар бўлган минора Mitsubishi Electriara амалда тезкор лифтлар қисмлари ва ускуналари созлигини текшириш имконини беради.

● Туркия парламенти жамоат жойларида чекишни таъқиқловчи қонун қабул қилди. Олдин, фақат автобус, самолёт ва йирик ташкилотларда чекиш ман этилган эди. Мамлакат бош вазири Режеп Тайип Эрдоғаннинг қўллаб-қувватлаши билан бу борада янги қонун қабул қилинишига эришилди. Эндиликда маъмурий биноларда, идораларда, ресторанларда, савдо марказларида, мактаб ва шифохоналарда чекиш қатъиян ман этилади. Қонун талабларига риоя қилмаган ташкилотларнинг раҳбарлари 4300 доллар, кашандалар эса 43 миллион доллар миқдорида жаримага тортилади.

● Испания муҳандислари дунёда илк бор экологик тоза шаҳар барпо этишга аҳд қилишди. 2008 йилдан бошлаб мамлакатнинг Риоха провинциясида «Экополис» деб номланган шаҳар вужудга келади. Муҳандислар лойиҳасига кўра барпо этилажак бу шаҳарда ҳамма нарса экологияга зиён етказмаслиги лозим бўлади. «Экополис»да иссиқлик ва электр энергияси фақатгина қуёш нурларидан олинади. Шаҳар кўчаларидаги транспортлар ҳам электр двигатель билан ҳаракатланади.

● АҚШнинг Техас штатида яшовчи Жеки Бибби ғаройиб рекорд ўрнатди. У кўпчиликнинг кўз ўнгида 87 та заҳарли илон солинган махсус шиша ванна ичида салкам бир соат ўтириб, ўз номининг «Гиннеснинг рекордлар китоби»да қайд этилишига имкон яратди. Ажабланарли томони шундаки, заҳари олинмаган илонларнинг бирортаси ҳам янги рекордчини чақмаган. Жеки илонлар билан бир соат бўлган шаффоф ванна «Гиннеснинг рекордлар китоби» ходимлари томонидан махсус ясалган бўлиб, унда илон-одам навбатдаги рекордини ўрнатиш ниятида. Яъни, бир йил олдин ўнта заҳарли илоннинг думидан тишлаб «Гиннесчилар» эътиборига тушган Жеки тез орада 11 та илонни оғзига солиб ўз рекордини янгиламоқчи.

● Хитойнинг радио, кино ва телевидение бўйича давлат кенгаши қабул қилган янги қарорга кўра, киностудияларда суратга олинаётган фильмлардан бундан буён беҳаё саҳналар олиб ташланади. Бундай фильмларни суратга олган режиссёрлар, продюсерлар ёки шу фильмда иштирок этган актёрлар давлат мукофотларидан маҳрум бўлишади, халқаро кинофестивалларда иштирок этишмайди.

● Шри-Ланкада 18 ёшга кирмаганларнинг уяли телефондан фойдаланишлари ман этиб қўйилди. Мамлакат аёллар ва болалар масалалари бўйича вазирлиги шундай тўхтамга келган. Вазирлик мутахассисларининг фикрича, мобиль телефонлари ёшларнинг онгига салбий таъсир ўтказмоқда. — Уяли телефонлардан жой олаётган беҳаё ва ваҳшийликни тарғиб этувчи сурат ва видеоролик ёки қўшиқлар болалар тарбиясини издан чиқармоқда, — дейди вазир Суметхи Жасени. Шри-Ланка ҳукуматининг бундай якуний тўхтамга келишига яқинда мамлакат мактабларидан бирида юз берган воқеа сабаб бўлган. Мобиль телефонлар видеороликларига муккасидан кетган уч нафар катта синф ўқувчилари синф хоналарининг бирида тўққиз ёшли қизалоқни ҳақоратлашган. Бу воқеани улардан бири қўл телефони камераси орқали ёзиб олган ва бошқа болаларга ҳам кўрсатган.

● Жониворларнинг барчаси одамларни тушуниши мумкин, лекин инсонлар уларни тушунмайди, деб дадил айта оламиз. Намибиялик, асли келиб чиқиши Буюк Британиядан бўлган саккиз ёшли Типпи исмли бетакрор қобилият эгаси бўлмиш қизалоқнинг айтишига кўра, у ҳайвонлар билан тиллаша олади. Уларнинг кўнглидан кечаётганларини, дардларини тинглай олади ва ҳеч адашмай одамларга етказади. Унинг ота-онаси қизидаги бу қобилиятни яқинда қишлоқлардан бирида адашиб қолган ёввойи фил келганда пайқаб қолишган. Яъни, қутуриб, ҳаммаёқни бузишга интилаётган фил Типпининг биргина имо-ишораси билан тинчланган.

● Кейинги пайтларда АҚШ армиясида жангариларни таъқиб қиладиган ва зарур ҳолларда уларни йўқ қила оладиган учувчисиз учадиган самолётлардан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. «Ассошиэйтед Пресс» ахборот агентлигининг хабарида айтилишича, 2007 йилда Predator, Global Hawk, Shadow ва Raven типидаги учувчисиз учадиган аппаратлар осмонда 500 минг соатдан кўпроқ парвоз қилишган. Бундай самолётлардан асосан Ироқ ва Афғонистонда фойдаланилмоқда.

● Москвада қурилиши режалаштирилаётган «Биллур орол»нинг лойиҳаси оммага тақдим этилди. Россия марказида 10 километр четда қурилиши кўзда тутилаётган «Биллур орол» думалоқ пирамида шаклида бўлиб, унинг баландлиги 450 метргача етиши айтилмоқда. Дунёга машҳур архитектор Норманн Форстер томонидан ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, бу иншоот таркибидан 900 га яқин хонадон, 3 минг ўринли меҳмонхона ва турли кўнгилочар масканлари ўрин олади. «Биллур орол» қурилиши 2014 йилда бошланиб, 4 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши айтилмоқда.

● JVC компанияси қарсак ва имо-ишора орқали бошқариладиган суюқ кристалли телевизорнинг илк нусхасини омма эътиборига ҳавола этди. Компания вакилининг айтишича, уч маротаба қарсак чалингач, телевизор экранида меню пайдо бўлади. Шундан сўнг, истеъмолчи бармоғи ёрдамида менюда кўрсатилган операциялардан бирини танлайди. Телевизорнинг юқори қисмига ўрнатилган махсус камера туфайли операцияларни бажариш ниҳоятда осон экан. Шунингдек, ғайри оддий телевизор қаршисида ўтирган томошабин чапак чалиш ёрдамида телевизор овозини пасайтириши ёки мурувватини бошқа каналга созлаши ҳам мумкин.

Транспорт

ПОЙТАХТНИНГ ЕР ОСТИ ҚАСРИ

ТАРИХДАН МАЪЛУМКИ, НУФУЗИ САЛМОҚЛИ БЎЛГАН ЙИРИК ШАҲАРЛАРНИНГ 35 ТАСИДА ЕР ОСТИ ТЕМИР ЙЎЛИ БУНЁД ЭТИЛГАН. ДУНЁДА ЎТТИЗ ОЛТИНЧИ, ЎРТА ОСИЁДА ЭСА ТЎНҒИЧ ҲИСОБЛАНГАН ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ ҲАМ МЕТРОСОЗЛИКДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ.

Мазкур ер ости қасри 1977 йил 6 ноябрда ишга туширилган эди. Ўтган шу 30 йил мобайнида пойтахтимизда метросозликнинг йирик тармоғи юзага келди. Тошкент метросини бунёд этишда кўп йиллик бой тажриба қўл келди. Метро йўлнинг асосий қисми соз тупроқли қатламлардан ўтди. Устига устак Тошкент сейсмик ҳудудда жойлашган. Шунга кўра метро қурилишида ана шу омиллар инобатга олинди. Метро станциялари кучли ер силкинишларига бардош берадиган йиғма темир бетон иншоотлардан қурилди.

Тошкент метро лойиҳалаш институти муҳандис ва меъморлари ҳам катта ижодий жараёнларни амалга оширдилар: моҳир меъморларнинг изланишлари билан метронинг Чилонзор, Ўзбекистон ва Юнусобод йўналишларида шаҳар метрополитенининг ягона тармоғи вужудга келди.

— Юнусобод метро йўли ҳудудларини лойиҳалаш ишлари ҳам давр талаби даражасида амалга оширилди, — дейди «Тошэлектротранс» давлат компаниясининг бошлиғи Маҳмуджон Аҳмедов. — Станцияларнинг ички безаклари ҳам эътиборни ўзига тортади. Бадиий ойналар ва хромланган қувурлар деворларга ажойиб кўриниш бахш этган. Уларда кулолчилик санъати асосида тайёрланган бадиий паннолар ўз аксини топган. Ҳозир метрополитенда тўртта вагондан иборат 39 та поезд қатнамоқда. 29 та бекатни ташкил этган метрополитен темир йўли узунлиги 39 километрга тенг. Поездлар қатновининг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида 3 та электродепо бунёд этилган. Тошкент метросининг тарихи тўғрисида тўхталар эканмиз, метро фаолиятини намунали йўлга қўйган фидойилар номини айтиб ўтиш жоиздир. Ер ости қасрининг бунёд этилишида бош-қош бўлган, кейинчалик уни моҳирлик билан бошқарган, бугунги кунда метрополитен музейига раҳбарлик қилаётган заҳматкаш инсон, «Эл юрт ҳурмати» ордени соҳиби Шоиноят Шоабдураҳимов билан ҳақли равишда фахрланамиз. Бу музейда Тошкент метросининг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи талайгина экспонатлар жамланган.

Юнусобод метро йўналишида учта бекатни бунёд этиш ишлари давом этмоқда. «Сергели-«Ипподром» йўлининг техник лойиҳалари ва техник-иқтисодий асослари тайёрланди. Бу йўл «Бошлиқ» бекатида йўлдан-йўлга ўтиш қурилиши билан С.Раҳимов бекатига боғланиб, Чилонзор йўли ва бутун метрополитенга уланади. Шундай қилиб, бош лойиҳа бўйича келажакда узунлиги 70 километр метро йўллари, 60 га яқин бекат ва 4 та электродепо қурилиши белгиланган.

Анвар ВАЛИЕВ

Санъат

БАДИИЙ ТАЛҚИНИНИ ТОПДИ

ВАТАН ВА УНИНГ ГЎЗАЛЛИКЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ҚАТОР КАРТИНАЛАР ИЖОДКОРИ ТОҲИР ШАЙМУРОДОВ ЎЗИНИНГ НАВБАТДАГИ ИЖОД НАМУНАСИНИ «ОЗОД ТЕМИР ЙЎЛ» ДЕБ НОМЛАДИ. УНДА ТОШГУЗАР —БОЙСУН—ҚУМҚЎРҒОН ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ МАНЗАРАЛАРИ ЎЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИНИ ТОПДИ.

Тошкент Давлат педагогика университетининг муҳандислик графикаси факультетини муваффақиятли тамомлаган бу истеъдодли ёш мусаввирнинг «Бугунги кунимиз—эртага тарих» деган шахсий кўргазмасида диёримизни мадҳ этувчи бир неча жозибадор асарлар намойиш қилинган эди.

Қоялар қўйнида қатнаётган поездлар карвони тасвирланган «Озод темир йўл» картинаси ҳам шу туркумдаги энг яхши ижод намунаси деб баҳоланди.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК ДАСТУРИ

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИДАГИ ҚАТОР ЙИРИК ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАР БИЛАН ҲАМ ЯҚИНДАН ҲАМКОРЛИК ҚИЛИБ КЕЛМОҚДА. ЯРОСЛАВ РАССОМЛАР УЮШМАСИ БИЛАН ИЖОДИЙ АЛОҚАНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ ҲАМ АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ.

Мазкур уюшма делегацияси яқинда Тошкентга ташриф буюрди. Ушбу учрашувда Ўзбекистон Бадиий академияси билан Ярославл рассомлар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик битими имзоланди. Ўзаро келишув асосида жойларда расмлар кўргазмалари очилади. Уларда ўзбек ва рус мўйқалам усталари асарлари намойиш қилинади.

Шу ўринда Ярославл шаҳрида ўтган йили уюштирилган кўргазма қўплаб томошабинларда катта қизиқиш уйғотганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Акбар АЛИЕВ

Назаримизда Башир Ҳикматуллаевич Магзумов номини эшитган кишилар ҳам унинг одамларга қилган яхшиликларини кўпроқ ёдга олишади. Болаликдан шифокорликни орзу қилиб, эл саломатлигини ўйлаган бу инсон ҳаёти давомида ўзининг одамларга меҳрибонлиги, топширилган ишга масъулияти, ажойиб ташкилотчилиги каби фазилатларини намоён эта олди.

Дарҳақиқат, Башир Ҳикматуллаевичнинг эсласа эслагудек, хотирласа хотирлагудек амалга оширган ишларини санаб саноғига етолмаймиз. Боёвутда авж олган безгакка қарши курашгани, таниқли жарроҳ, академик Восит Воҳидов билан бирга ҳозирги кўкрак жарроҳлиги клиникасига асос солганлиги, Намангандаги Пахтали кўлда ҳавосининг мусаффолиги Ялтага ўхшаш жойда оромгоҳ яратганлиги, Тошкентнинг 17-клиник шифохонаси, пойтахтимиздаги сил касалликлари илмий-тадқиқот институтини вужудга келтиришда кўрсатган саъй-ҳаракатлари, эҳ-эҳе, бундай бир-биридан улуғ ва савобли ишларнинг саноғига етиш қийин.

Республикамиз олимлари, айниқса тиббиёт соҳасида хизмат қилувчи барча мутахассислар, соғлиқни сақлаш ташкилотлари ушбу тизимнинг ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашнинг ташкил қилишда салмоқли ҳисса қўшган таниқли ўзбек олими, тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор Башир Магзумовни яқиндан танир эдилар. Дарҳақиқат олим республикамиз учун асосий ўринни эгаллаб турган тиббиёт мактабларидан ҳисобланган ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш фанининг асосчиларидан ва йирик ташкилотчиларидан бири сифатида шуҳрат қозонган эди.

Профессор Башир Магзумов Ўзбекистонда соғлиқни сақлашни ташкил қилишни такомиллаштириш, унинг моддий-техника базасини ривожлантириш, малакали кадрлар сонини ошириш, тиббиёт статистикасини чуқур таҳлил қила оладиган, кенг фикрловчи, шифокорлар тайёрлаш масаласига жиддий эътибор қаратган ҳамда кўп куч сарфлаган, юқори малакали талабчан, қаттиққўл, услубий ташкилотчи бўлиш билан бирга талабаларнинг ва ўзи раҳбарлик қилган жамоанинг севимли устози ажойиб оиланинг меҳрибон ва доно сардори, одамларга меҳр-мурувватли, илтифотли инсон эди.

Олимнинг бутун ҳаёти давомида қилган ишлари, одамларга кўрсатган хайрли амаллари ҳақида ҳар қанча гапирса арзийди. Тошкент Давлат тиббиёт институтини (ҳозирги Тошкент Тиббиёт академияси) тамомлаб, ўзининг илк меҳнат фаолиятини Тошкент шаҳридаги 4-болалар поликлиникасининг мактаб шифокори сифатида бошлаган Башир Магзумов олдида ҳали бажарадиган катта ва масъулиятли вазифа турарди. У қаерда қайси лавозимда ишламасин, ўзининг ташкилотчилиги, чуқур тиббий билим соҳиби эканлагини амалда исботлади. Сирдарё вилоятининг Боёвут қишлоғидаги қишлоқ участка касалхонасига раҳбарлик қилганида ҳам, Сирдарё тумани соғлиқни сақлаш бўлимига бошлиқ этиб тайинланганида ҳам, Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармасига раҳбар этиб тайинланганида ҳам ўзининг ажойиб ташкилотчилик қобилиятларини намоён этди. Башир Ҳикматуллаевичнинг Республика сил касалликларига қарши диспансерга бош шифокор, Тошкент зардоб ва вакцина тайёрлаш илмий-тадқиқот институтига директор, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари ва вазири лавозимида, сўнг Санитария-гигиена ва касб касалликлари илмий-тадқиқот институти директори ўринбосари вазифаларида ишлаган кезлар олим ҳаёти ва фаолиятининг энг сермаҳсул йиллари сифатида унинг умр дафтарига зарҳал ҳарфлар билан ёзилди. Халқ саломатлиги йўлида тинмай ва фидойилик кўрсатиб меҳнат қилишни ўзининг инсоний бурчи деб билган таниқли ва билимдон олим томонидан ва унинг бевосита раҳбарлиги остида яратилган илмий, илмий-амалий, услубий йўриқномалар ўз даврида республика соғлиқни сақлаш амалиётида, айримлари эса ҳанузгача қўлланиб келинмоқда.

Башир Магзумов ўзининг бир сўзлилиги, талабчанлиги, иш юзасидан қаттиққўллиги, узоқни кўра билиш фазилатлари билан тенгқурлари орасида ажралиб турарди. Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигида ишлаб юрган кезларида Ўзбекистонда экспериментал жарроҳлик институти филиалини ташкил этишда жонбозлик кўрсатди, шунингдек Тошкент Давлат тиббиёт институти морфология корпуси, Андижон шаҳридаги сил касалликлари диспансери ва вилоят касалхонаси унинг бевосита раҳбарлигида тез фурсатда қурилиб, фойдаланишга топширилди. Олимнинг Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус шаҳрида лепрани ўрганиш учун Ўзбекистон тери-таносил касалликлари илмий-тадқиқот институтининг филиалини ташкил этишдаги хизматлари алоҳида таҳсинга сазовордир.

Олим ўз ишининг ҳақиқий билимдони, соғлиқни сақлаш тизимининг моҳир ташкилотчиси эди. 1959 йилда номзодлик, 1967 йилда докторлик диссертацияларини муваффақиятли ҳимоя қилган олим Тошкент давлат тиббиёт институти санитария-гигиена факультети декани сифатида сидқидилдан хизмат қилди, мутахассислиги бўйича ихтисослаштирилган илмий кенгашга, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил қилиш илмий кенгашига моҳирлик билан раислик қилди. Шунингдек, олим кўплаб докторлик ва номзодлик диссертацияларининг ҳимоя қилинишига раҳбарлик қилди. У 120 дан ортиқ илмий, илмий-амалий, ўқув-услубий рисолалар, мингдан зиёд илмий мақолаларнинг, 2 та монографиянинг муаллифи сифатида тиббиёт фанининг равнақи, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш, фтизиатриянинг кўплаб муаммолари ечимига салмоқли ҳисса қўшди.

«Меҳнат қилган — элда азиз», дейдилар. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор умрининг охиригача бутун билимини соғлиқни сақлаш амалиёти ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш фани ривожига сидқидилдан бағишлади. Ажойиб инсон, меҳрибон устоз ва мураббий, халқимизнинг ардоқли фарзанди Башир Магзумов ҳозир ҳаёт бўлганида муборак 90 ёшни қаршилаган бўлар эди. Башир Магзумовнинг умр мазмуни ёрқин хотираларга бой бўлиб, унинг номи республикамиз тиббиёт ходимлари, ҳамкасб дўстлари, садоқатли шогирдлари қалбида мангу сақланади.

Қутбиддин НИЗОМОВ,
Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш аълочиси,
олий тоифали шифокор

Хотира уйғонса гўзалдир

УМР МАЗМУНИ

АҲЛИ ДОНИШМАНДЛАРНИНГ ИНСОН ҲАЁТИНИ ОҚАР ДАРЁҒА ҚИЁСЛАШЛАРИДА БИР ОЛАМ ҲИКМАТ БОР. БИНОБАРИН ҲАР БИР ИНСОННИНГ ЎЗИГА БЕРИЛГАН ҲАЁТИ ДАВОМИДА ҚИЛГАН ЯХШИ ИШЛАРИ-Ю ЭЗГУ АМАЛЛАРИ АНА ШУ УМР ДАФТАРИДАН ЎРИН ОЛИБ БОРАВЕРАДИ. ВАҚТИ-СОАТИ КЕЛГАНДА УНИНГ ЗАРВАРАҚЛАРИНИ МУТОЛАА ҚИЛГАН КИШИ ИНСОННИНГ ҲАЁТЛИК ЧОҒИДА ЮРТИГА, ОДАМЛАР КОРИГА ҚИЛГАН ХИЗМАТЛАРИДАН ВОҚИФ БЎЛАДИ.

Ўз-ўз ўзганиб доно бўлур...

МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

САЪДИЙ ШЕРОЗИЙ ҲИКМАТЛАР

Топар душманин енгибон шоҳ зафар,
Унинг лашкари тўқу хурсанд агар.

Агар бўлмаса интизому вафо,
Урушда қачон айлагай жон фидо.

Сипоҳийки, ўз хунбаҳосин егай,
Эмас мард, агар жангда иш бермагай.

Берилмас экан зар қўшинга агар,
Қилич ушламай, жангни ташлаб кетар.

Уруш чоғида мардлик этмас аён,
Агар бўлса бечора-ю нотавон.

* * *

Қариларни раъйича иш тут мудом.

* * *

Қари макридан қил ибо доимо.

* * *

Сира бахтли ёшлар ғурур этмагай,
Қарилар сўзидан узоқ кетмагай.

* * *

Ўғил эрқаликда ўсаркан агар,
Уруш келса бошига, қўрқар, писар.

Урушмоқ, қилич урмоқ, ов овламоқ,
Баҳодир қилиб ўстирур яхшироқ.

Йигит ўсса ҳаммому ишратаро,
Уруш чоғида кўрқадир мутлақо.

* * *

Агар икки турли киши от минар,
Икковини бир ёш бола ағдарар:

Қочар биттаси ёвни кўрган замон,
Ёв ўлдирмаган бўлса, ўлдир шу он.

Урушга агар жангчи орқа берур,
Ўзин ҳам, жасурларни ҳам ўлдирур.

* * *

Икки кимсани сақла, шоҳи жаҳон!
Бир оқилу ул бири паҳлавон.

Топар катта шоҳларни енгиб зафар,
Бу иккини ўстирса ҳар шоҳ агар.

Киши гар тутолмас қилич ё қалам,
Ўлиб кетганида еманг унга ғам.

Эмас мардлик – ёв босар чоғида
Қилиб базм ётсанг нишот боғида.

Ўйин-кулгига банд эса шоҳлар,
Бу ишрат-ла давлат қўлидан кетар.

* * *

Кўпинча ёвинг кундузи дўстлашар,
Баногоҳ тун чоғи босиб келар.

* * *

Агар сенга душман ўжарлик қилур,
Фириб тиғи-ла бошин олсанг бўлур.

* * *

Агар икки ёв ичра тушса нифоқ,
Яша дўст билан хурраму иттифоқ.

* * *

Дилин яширин овласанг, мардлар
Оёғинг уза балки бошин кўяр.

* * *

Дилин овласанг ўн кишини агар,
Бўлур юз ҳужумдан кўра мўътабар.

* * *

Агар ёв қариндоши дўстлик қилур,
Унинг макридан эҳтиётдир зарур.

Ўч олмоқчи сендан, дилида алам,
Қариндошининг меҳри-ла дам-бадам.

* * *

Агар ҳар киши дўстни душман билур,
У ўз ёвидан оқибат енгилур.

* * *

Ўзин бошлиғин қадрини билмаган,
Сени ҳам омон кўймагай макридан.

Инонма, қасам бирла ахд этса ҳам,
Назоратчи кўй, яширин дам-бадам.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Спорт янгиликлари



ЭНГ ИҚТИДОРЛИЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДАГИ «ФОРУМ ЮНИОР СПОРТ» БОЛАЛАР СПОРТ МАЖМУАСИДА БАДИИЙ ГИМНАСТИКА БЎЙИЧА «СНЕЖИНКА-2007» КЛУБ БИРИНЧИЛИГИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. МУСОБАҚАДА МАЖМУАНИНГ 36 НАФАР ЁШ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ 6 ТА ЁШ ТОИФАСИДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИНИНГ БОШ СОВРИНЛАРИ УЧУН БЕЛЛАШДИЛАР.

Турнирда 6 ёшдан 11 ёшгача бўлган ёш гимнастикачи қизлар, уларнинг мураббийлари ҳамда мазкур спорт турининг мухлислари иштирок этди. Ғоятда қизиқарли ўтган мусобақада спортчи қизларнинг чиқишларини мажмуанинг етакчи мураббийлари, хусусан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси Анэла Малкина ҳамда кўпгина халқаро мусобақалар совриндори бўлган ушбу мажмуанинг энг иқтидорли ва тажрибали тарбияланувчилари баҳолашди.

Шу ўринда эслатиб ўтамизки, «Форум юниор спорт» болалар спорт мажмуаси Форум жамғармаси томонидан 2005 йилнинг август ойида очилган бўлиб, унинг фаолияти болаларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, уларнинг бу соҳадаги ютуқларини кузатиб бориш ва ёш истиқболли спортчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Ушбу масканда спорт билан шуғулланиш учун барча шароитлар яратилган. Мажмуа тарбияланувчилари мамлакатимизда ва хорижда ўтказилаётган турли мусобақалар ва спорт турнирларида қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

Бугунги кунда спорт мажмуасида 100 га яқин болалар бадиий гимнастика, ушу ва спортнинг бошқа турлари бўйича етакчи мураббийлардан сабоқ олишмоқда.

Миллий маданият, санъат, ёшлар ва болалар ижодини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси фаолиятининг дастлабки йилларидан бошлаб спорт соҳасидаги лойиҳаларга ҳам алоҳида эътибор бериб келмоқда. 2007 йил апрель ойида жамғарма «Чемпионлар форуми» деб номланган махсус ҳисоб рақамини очган бўлиб, унга келиб тушган маблағлар ёш иқтидорли спортчиларга грант сифатида топшириб келинмоқда. Йил давомида лойиҳа доирасида 127 нафар спортчи умумий миқдори 38,7 миллион сўмга тенг грантларни қўлга киритди. Яқин орада «Чемпионлар форуми» деб номланган янги спорт мажмуасининг ҳам очилиши режалаштирилаётган бўлиб, бу ерда тажрибали мураббийлар истиқболли спортчиларни халқаро беллашувларга тайёрлаб боришади.

Қатнашчи ва иштирокчиларга бир олам қувонч ва янги йил кайфиятини улашган ушбу мусобақанинг Амал Исҳакова, Асал Аҳмедова, Анора Давлятова, Иман Каримова, Камиля Гареева, Евгения Ларионова каби 18 нафар ғолибларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Шоира МУҲАМЕДОВА

СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар

ЛАУРЕАТЛАР АНИҚЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ФУТБОЛ ФЕДЕРАЦИЯСИ 2007 ЙИЛГИ МАВСУМНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ ВА МУРАББИЙСИНИ АНИҚЛАШ МАҚСАДИДА МАМЛАКАТИМИЗ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ЎРТАСИДА ЎТКАЗИЛГАН СЎРОВНОМА НАТИЖАЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.

Юз эллик нафардан зиёд журналист иштирок этган сўровнома натижасига кўра, умумий ҳисобда 286 очко тўплаган Украинанинг «Динамо» (Киев) жамоаси ҳужумчиси ва Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори Максим Шацких 2007 йилнинг «Энг яхши футболчиси», деб топилди.

Бунгача уч маротаба Ўзбекистоннинг энг яхши футболчиси совринини қўлга киритган Максим Шацкихнинг якунланган мавсумда ҳам тенгсиз, деб топилиши кўп жиҳатдан моҳир ҳужумчининг миллий терма жамоамиздаги муваффақиятли ўйинларига боғлиқ. Ўзбек футболининг ёрқин юлдузи — Миржалол Қосимов профессионал футболчилик фаолиятини якунлагач, терма жамоа сардорлигига муносиб кўрилган Максим Шацких, ўтган йили ўтказилган Осиё чемпионатининг финал қисмида жамоанинг ҳақиқий етакчиси эканини исботлади. У қатор учрашувларда муҳим голларни киритиб, терма жамоамизга қимматли очколларни келтирди.

Максим Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионатининг биринчи саралаш босқичида тўпурарлик борасида рекорд ўрнатгани ҳам эътиборга молик. 29 ёшли ҳужумчи Хитой Тайпейига қарши Тошкентда ўтказилган учрашувда рақиб дарвозасини беш маротаба аниқ нишонга олди. Бунгача терма жамоамиз таркибида бир ўйинда бунча кўп гол уриш ҳеч кимга насиб этмаганди.

Бундан ташқари, Максим Шацких «Динамо» (Киев) таркибида Украина чемпионати ва кубоги, Европа чемпионлар лигасида ҳам юқори савияда тўп сурди.

Сўровнома якунига кўра, иккинчи ўрин Тошкентнинг «Пахтакор» жамоаси сардори Сервер Жепаровга насиб этди. Ўтган мавсумда мазмунли ўйин кўрсатган моҳир ярим ҳимоячи жамоадош дўстлари билан учта мусобақада ғолиб чиқди. Дастлаб, ўтган йилнинг бошида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги мусобақасида зафар қучган пахтакорчилар мавсум якунида мамлакат чемпионлиги ҳамда Ўзбекистон кубогини ҳам қўлга киритди. Ҳар учала мусобақада муваффақиятли тўп сурган Сервер Жепаров сўровномада 105 очко тўплади.

Танловнинг учинчи поғонаси иқтидорли ёш футболчи Виталий Денисовга (100 очко) насиб этди. Эндигина 20 ёшни қаршилаган ҳамюртимиз ўтган мавсумда ишончли тўп суриб, Украина чемпионатида совринли ўринлар учун курашаётган «Днепр»нинг асосий ўйинчиларидан бирига айланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон миллий ва олимпия терма жамоалари сафида муҳим учрашувларда тўп суриб, мавсумда энг кўп ўйинда иштирок этган футболчилардан бири бўлди.

Ўтган мавсумнинг «Энг яхши мураббийси» соврини сўровномада 378 очко тўплаган Ўзбекистон миллий терма жамоаси устози Рауф Инилеевга топширилди. Шу ўринда, тажрибали мутахассис 2007 йилда Осиё футбол конфедерацияси томонидан ҳам қитъамизнинг «Энг яхши мураббийси», деб топилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистоннинг энг қучли жамоаси — «Пахтакор» бош мураббийси Равшан Ҳайдаров 170 очко билан танловда иккинчи ўринни эгаллади. Тажрибали мураббий ўтган мавсумда шогирдларининг МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатлари чемпионлари кубоги, миллий чемпионат ва Ўзбекистон кубоги мусобақаларида зафар қучишига улкан ҳисса қўшди.

«Энг яхши мураббий» танловининг учинчи поғонаси Муборакнинг «Машъал» клуби устози Виктор Кумиковга (89 очко) насиб этди. Россиялик мутахассис асосан ёш футболчилардан таркиб топган жамоани мамлакат чемпионатида учинчи ўринга олиб чиқди. Бундан ташқари, «Машъал» Ўзбекистон кубоги мусобақасида ҳам ярим финалгача етиб келди.

Ўзбекистон футбол федерацияси қарорига кўра, ўтган мавсумда ўсмирлар ва ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатлари беллашувлари ва Осиё чемпионлар лигасининг финал учрашувини бошқарган ФИФА рефериси — Равшан Эрматов 2007 йилнинг «Энг яхши ҳаками» деб топилди.

Боҳир БЕК

Қатралар

БЕБАҲО НЕЪМАТ

Тўғрилик инсонга берилган бебаҳо неъматдир.

Шу ҳақда отам айтиб берган бир мисол ҳануз ёдимда. Бир одам йўлда фаришта-ни учратибди. Қараса жуда хушрўй, покиза. Танасидан ёғилаётган нурдан кўзи қамашиб: — Ажабо, нурдан яралганмисан?— деб сўрабди.

— Ҳа,—дебди фаришта.

— Сенга ҳавасим келяпти. Мендан ҳам нур таралиб туришини хоҳлардим.

— Жуда соз,—дебди фаришта.—Бунинг учун шу ондан қалбингдан фақат соф эзгу ниятлар жой олиши, ёмон фикрлардан ҳоли бўлиши шарт.

Одам:—Тўғри, айни муддао,—дебди-ю, лекин хаёлидан: «Фариштани бир қучоқлаб ўпсам» деган фикр ўтибди.

Буни сезган фаришта:—Э, нафс бандаси, билиб турибман хаёлингдан нималар кечганини. Уят-е...

— Шунақа бўлиб қолганман. Мени кечир. Нима қилсам бу балодан қутуламан, —фаришта гапирибди.

— Тўғрилик йўлини ихтиёр этсангина фисқи-фужур ҳаёллардан ҳолис бўлурсан. Қалбинг покланур,—фаришта шундай дебди-ю, кўздан ғойиб бўлибди.

Одам эса тўғрилик йўлини маҳкам тутибди, уни омад қучаверибди.

Тўғрилик—бебаҳо неъматдир.

УСТОЗ ҲУРМАТИ (ЎТМИШДАН ҚАТРА)

Нақл қилишларича, инсон икки нарсадан умрбод қарздор экан. Ота-она олдидаги фарзандлик бурчи ва устоз олдидаги ҳурмат бурчидир. Бир куни шоҳ Ҳусайн Бойқаро вазири Алишер Навоий билан Ҳиротда халқнинг аҳволи билан танишиб юришган экан, бир ёш бола ҳамомпиш ўйнаётганини кўришибди. Навоий отдан тушиб болага «Ассалому алайкум, Мавлоно-зода» деб таъзим қилибди. Шоҳнинг бундан хиёл жаҳли чиқиб, Алишердан болага нима сабабдан салом берганини сўрабди.

Алишер: «Бу болакай устоз Абдураҳмон Жомийнинг набиралари эрур. Мен улуғ устознинг етти авлоди олдида ҳам шундай ҳурмат ва эҳтиромда бўлишга бурчлидирман», дея жавоб қайтарибди. Шунда шоҳ узангига оёғини тираб, қаддини кўтарибди-да бола томонга қараб бош эгибди.

Ҳозир айрим кишиларда фақат бойлик кетидан қувиб, маънавий қашшоқлик, тубанлик илдиз отиб кетганлиги ачинарли ҳол.

Баъзилар устозларини кўриб қолишганда ҳатто оддий саломларини ҳам раво кўришмайди.

Жомийнинг бир сўзига эътибор қилайлик:

Жаҳонда муаллим бўлмаса агар
Гўзал бўлмас эди ҳаёт бу қадар.

ҲАҚИҚИЙ ДЎСТ

Анвар отасининг билимдон бўлай десанг китоб ўқи, деган сўзидан чиқмайди. Бўш қолди дегунча китоб ўқиб ақлини чархлайди. Бир кун яқин танишига:—Кўп эзмалик қилма. Фойдасиз гапларингни тинглашга вақтим йўқ. Дўстим бўлсанг сен ҳам китоб ўқи, —дея илтимос қилади.

—Ундай бўлса ўқиётган китобингни бериб тур,—деди Сарвар ва унинг қўлидан китобни олиб-да, уч кун ўтгач: «Китобингни ўғирлатиб қўйдим, хафа бўлма», —дейди ёлғон гапириб омонатни қайтариб беришдан бош тортиб.

—Майли,—дейди унга Анвар,— китобим доим мен билан бирга. Ишонмасанг қулоқ сол.

Анвар қайта-қайта ўқиган китобини ёддан айтиб, «дўсти»ни ҳайрон қолдиргач:—Китобим қалбим тўридан жой олган. Ҳақиқий дўстдек ҳеч ким мени тарк этмайди. Мана-ман деган ўғри ҳам уни ўғирлаб кета олмайди,— дея Сарварни лол қолдиради.

Сарвар унга тан бериб: «Китобини қайтариб бермасам бўлмайди»—дейди ичида, ич- этини еб.

Ғани АБДУЛЛАЕВ

ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР

Барчамиз хонадонларимизга етказиб берилаётган газ, электр энергияси, совуқ ва иссиқ сувдан фойдаланамиз. Унутманг, кўрсатилган коммунал хизматлар бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилиниши эртанги кундаги сифатли хизматлар гаровидир.

Коммунал хизматлар ва фойдаланиш харажатлари учун тўловларни ўз вақтида тўлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир ва ушбу тўловлар пойтахтнинг уй-жой — коммунал хўжалигини янада ривожлантириш йўлида сарфланади. Аҳоли томонидан истеъмол қилинган электр ва иссиқлик энергияси, табиий газ ҳамда бошқа коммунал хизматлар учун тўловлар аҳолининг ўз танловига кўра, фақат чекловларсиз тижорат банки муассасаларида, тўловларни қабул қилиш кассаларида ва почта бўлинмаларида амалга оширилади.

Фақат умумий саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда, барчамиз ҳамкорликда коммунал хизматлар фаолиятининг самарадорлигига эришишимиз мумкин.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Масъулияти чекланган жамияти шаклидаги «Муҳосиб-таҳлилаудит» аудиторлик ташкилоти (ИНН:203653493) тугатилади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ойгача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Муртазаева кўчаси, 2-уй.

Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти томонидан 1996 йилда Файзиев Раҳматулла Шухратуллаевич номига берилган В № 013968 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси жамоаси Чилонзор Радиотехника ва автоматика касб-ҳунар коллежининг директори Абдурасул Кабирович Зокировнинг акаси **Абдурауф Кабирович ЗОКИРОВнинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ»
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ЦИРКИ

2007 ЙИЛ 28 ДЕКАБРДАН 2008 ЙИЛ 13 ЯНВАРГАЧА

Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларида Тошкент давлат цирки барчангизни

«ЗОЛУШКА»

цирк спектаклига таклиф қилади.
Сеҳрли эртакнинг қизиқ воқеалари – сизга мунтазир!
Томошалар соат 10.00, 12.00, 14.00 ва 16.00 да бошланади.
Чипталар цирк кассаларида ва туман кассирлари томонидан сотилмоқда.
Касса эрталабки соат 9.00 дан ишлайди.

Маълумотлар учун телефонлар: 144-35-91, 144-35-94, 144-32-23.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРХОНАЛАРИ ВА ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

1. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2008 йил 23 январдан бошлаб корхона ва ташкилотлар учун иссиқлик энергияси тарифи ҚҚСсиз 12 571, 20 сўм/ Гкал миқдорида ва ҚҚС билан 15 085,44 сўм/Гкал миқдорида белгиланди.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА!

2. «Тошиссиққуввати» ИЧБ УК Тошкент шаҳар аҳолиси эътиборига шуни маълум қиладики, энергия ташувчи муҳит нархи ошиши муносабати билан 2008 йил 23 январдан бошлаб марказлашган иссиқлик ва иссиқ сув таъминоти учун қуйидаги ойлик тариф (нарх)лар белгиланади:

марказий иситиш —213,60 сўм/м² /ой (турар жой майдони);

иссиқ сув таъминоти:

—ҳисобга олувчи асбоблар бўлмаган тақдирда— 2 271,60 сўм /киши /ой;

—умумий чўмилиш хонасига эга ётоқхоналар учун— 1 638,92 сўм/ киши/ой;

—ҳисобга олувчи асбоблар бўлган тақдирда—707,76 сўм/м³

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-70

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилди. 3960 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6

Топширилган вақти: 14.10